

А Ж Р И М

(Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида)

2023 йил декабрь ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шу судининг раиси О.Тоғаев, судья ёрдамчиси Д.Давлатовнинг котиблигида, тарафлардан Шеробод туман прокурорининг ёрдамчиси И.Халиков ҳамда ҳимоячи – адвокат Э.Ғаффоровнинг иштирокида, Абдухамитов Асрорбек Абдузаировичга оид 1-1913-2301/183 рақамли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Абдухамитов Асрорбек Абдузаирович (Abduxamitov Asrorbek Abduzairovich), 2004 йил 10 октябрда Сурхондарё вилояти, Ангор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Ангор тумани “Баҳор” маҳалласида яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги” тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 27 сентябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 268-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и

Судланувчи Абдухамитов Асрорбек Абдузаирович, 2023 йил 11 сентябрь куни соат 22:00 да, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 159-банди талабларига кўра, “транспорт воситасининг кабинасидан ташқарида (одам ташиш учун мўлжалланган бортли юк ёки фургон-юк хонали автомобиллар бундан мустасно); Тракторлар ва бошқа ўзиюрар ускуналар, юк ташиладиган тиркамалар, тиркама-уйча, юк мотоцикллари юкхонасида; Мотоциклларнинг конструкциясида кўзда тутилган жойларидан ташқарида” одамларни ташиш тақиқланганлиги тўғрисидаги талабларини ҳамда мазкур “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 168-банди талабига кўра, электро муравей юкхонасида йўловчи ташиш тақиланганлиги тўғрисидаги талабларни қўпол равишда бузиб ўзининг бошқарувида бўлган электро муравей юкхонасига ўртоқлари ўзи билан бир маҳаллада яшовчи Нормаматов Анваржон Шухрат ўғли ва Сулаймонқулов Алибек Қахрамон ўғлини миндириб, туманнинг “Янгабод” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 4P1597 автомобиль йўлининг 4 километрида “Янгабод-Ангор” йўналишида ҳаракатланиб кетаётган вақтида ушбу электро муравейи бортида йўловчи сифатида кетаётган А.Нурмаматов йиқилиб кетиши оқибатида йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.

Натижада, А.Нурмаматов олган тан жароҳатлари билан туман



тиббийёт бирлашмасига ётқизилган.

Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Сурхондарё филиали Ангор туман пунктининг 29.09.2023 йилдаги 547-сонли суд тиббий экспертиза хулосасига кўра, А.Нурмаматовда бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия лат ейиши ўрта оғир даражаси, бош мия ички гипертензияси, бошини ўнг тепа, чап пешона ва чап чакка соҳалари мия ичи гематомаси, бош тепа ўнг томони тери ости шиши ва юмшоқ тўқима лат ейиши, бўйин умуртқаси дистрофияси, бош мияга қон қўйилиши каби тан жароҳатлар бўлиб, бу тан жароҳатлари ҳаёт учун хавфли бўлган “оғир” шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Ушбу ҳолат юзасидан А.Абдухамитовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 268-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилган.

Судланувчи А.Абдухамитов судда эълон қилинган айбловга иқдор ва қилмишидан пушаймонлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у, 2023 йил 11 сентябрь куни соат 22:00 да, ўзининг бошқарувида бўлган электро муровей юкхонасига ўртоқлари ўзи билан бир маҳаллада яшовчи А.Нормаматов ва А.Сулаймонқуловни миндириб, туманнинг “Янгабод” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 4P1597 автомобиль йўлининг 4 километрида “Янгабод-Ангор” йўналишида ҳаракатланиб кетаётган вақтида электро муравейи бортида кетаётган А.Нурмаматов йиқилиб кетиши оқибатида тан жароҳати олишига сабабчи бўлгани, ҳозирда жабрланувчи А.Нормаматовга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаб, ундан кечирим сўраб, ўзаро бир-бирлари билан ярашиб олганликларини айтиб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи А.Нормаматов судда берган кўрсатмасида, судланувчи А.Абдухамитов ўртоғи бўлишини, ҳақиқатдан ҳам у, 2023 йил 11 сентябрь куни соат 22:00 да, А.Абдухамитовни бошқарувидаги электро муровей юкхонасига А.Сулаймонқулов билан бирга йўловчи сифатида чиққани, шундан кейин А.Абдухамитов муровейини туманнинг “Янгабод” маҳалласи ҳудудидан ўтувчи 4P1597 автомобиль йўлининг 4 километрида “Янгабод-Ангор” йўналишида ҳаракатланиб кетаётган вақтида у ушбу электро муравейи бортидан йиқилиб кетиши оқибатида тан жароҳати олгани, ҳозирда судланувчи А.Абдухамитов унга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб, ундан ва оила аъзоларида кечирим сўрагани, шу боис унга нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий зарар ундириш бўйича даъвоси йўқлигини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд, судланувчининг, жабрланувчининг талабномасини ва давлат айбловчиси ва ҳимоячининг ярашув ҳақидаги фикрини тинглаб, ярашув тўғрисидаги аризаларни алоҳида хонада муҳокама қилиб, уларни қуйидаги асосларга кўра қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасига биноан ЖК 268-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган



шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қопласа, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 585-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ярашиш тўғрисидаги аризалар ихтиёрий равишда ёзилганини, судланувчи А.Абдухамитов ўз айбига тўлиқ иқрор бўлгани ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи А.Нормаматовга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаганини, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, тарафларнинг ярашув битимига розилиklarини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан судланувчи А.Абдухамитовнинг айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишни, унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни, жабрланувчи А.Нормаматовга етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қопланганини маълумот учун қабул қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми ҳамда 401,423,583,586-моддаларини қўллаб, суд

а ж р и м қ и л а д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 268-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Абдухамитов Асрорбек Абдузаировичнинг жабрланувчи Нурмаматов Анваржон Шухрат ўғли билан ўзаро ярашганлиги сабабли А.Абдухамитов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин ва жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

А.Абдухамитовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят оқибатида жабрланувчи А.Нормаматовга етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб 20 (йигирма) сутка муддат ичида хусусий протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

О.Тоғаев

Нусхаси аслига тўғри:

